ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №

2022 y. «20» 7 **398-13-182-XT/2022-son** **Beruniy tumani**

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи **Беруний тумани Халк таълими булими** номидан низом асосида фаолият олиб борувчи **А. Худайбергенов** бир томондан ва бундан буён "ПУДРАТЧИ" деб аталувчи **"SHERKHAN-B "МЧЖ** номидан низом асосида фаолият олиб борувчи **Ш. Балтабаев** иккинчи тарафдан мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

1.ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1.Ушбу қўшимча шартнома буйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан **Беруний тумани Халк таълими булимига карашли Шимом ОФЙ, Илғорлар ахоли манзилида жойлашган № 36-ўрта мактаб** биносини жорий таъмирлаш, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2.Ушбу шартноманинг умумий суммаси **734 000 000** сўмни ташкил этади.

2. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ , БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

2.1. Қурилиш ишларининг бошланиши «16» июль 2022 йил.

2.2. Қурилиш ишларининг тугаши вақти «30» сентябрь 2022 йил.

2.3. Қурилиш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.2. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

3.1.Ушбу шартноманинг умумий нархи **734 000 000** сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» қурилиш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки **220 200 000** сўм миқдорда олдиндан тўлаганлиги сабабли якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори **513 800 000** сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 30 сентябрьгача амалга оширилади.

3.2.«Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

3.3.«Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1.Пудратчи:

Шартнома баҳоси **734 000 000** сўм бўлган бажариладиган ишларни юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

4.2. Агар қурилиш ишлари мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- Қурилиш ишларининг муддатлари кечиктириб юборилган, пудратчи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни қурилиш ишларини бажариш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.3.Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофик қурилиш ишларни белгиланган муддатда сифатли ва тулик хажмда далолатнома асосида топширади.

4.4.Буюртмачи:

Шартномада курсатилган 3.1. банди бузилса, қурилиш ишларининг ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.5. «Буюртмачи» бажариладиган ишларни ўз вактида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

5.НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Кўриб чиқган юрист: QADIROV SHERZOD ALISHER O'G'LI. Ҳужжат рақами: CT4483364026

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чикилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу хақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

8.1. Томонлар:

- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупсия характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ва'да қилиш, та'магирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти- ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.
- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини та'минлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб ма'лум қиладилар.

Томонда ушбу Шартноманинг 6.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупсия билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса - амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

9.2. Шартнома тарафларнинг хабарномасига кўра, қўшимча келишувсиз бекор қилиниши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

9.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: MB35768038

10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»	«БУЮРТМАЧИ»
“SHERKHAN-B”МЧЖ	**Беруний тумани Халк Таълими Булими**
Манзил:Беруний тумани Фузулий кучаси, 31	Манзил: Беруний т. Халклар Дустлиги №18
Тел./факс 97 353-30-60	Тел./факс 524 28 58
х\р20208000800943973001	Шғх: 40172286035207709210007 5003
х\р _____	Ташкилотнинг СТИР и : 2009377578
Банк номи:Кишлок Курилиш банк КР филали	ИФУТ (ОКОНХ):_____
МФО:00953	Беруний тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси
СТИР:305826004	ЯҒҲ:23402000300100001010
ИФУТ (ОКОНХ) 61110	Банк номи: Марказий банк Тошкент шах ББХККМ
	МФО:00014
	Ғазначилик бўлинмасининг СТИР и:201122919

10. Тарафларнинг имзо ва мухрлари.

“ПУДРАТЧИ”	“БУЮРТМАЧИ”
М.Ў. _____ Ш. Балтабаев	М.Ў. ____ А.Худайбергенов
(Имзо) (Ф.И.Ш)	(Ф.И.Ш)

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 119104 на приобретение Беруний тумани ХТБ га карашли №36 мактаб биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 15.07.2022

Время рассмотрения 15.07.2022 13:09

Конкурсная комиссия Беруний тумани Халк таълими булими (МБ), (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XUDAYBERGENOV AZAD SABIROVICH	ХТБ мудири	ХТБ
Секретарь комиссии	YUSUPOV MUXTAR BAXADIROVICH	Хисобчи	ХТБ
Член комиссии	SABIROV BERADAR DAVLETOVICH	Экспулатация отдел бошлиги	ХТБ
Член комиссии	MUXAMMADJANOVA GULANDOM IKRAMBAYEVNA	Хисобчи	ХТБ
Член комиссии	RAMANOV ABDULLA ABDURAIMOVICH	экспулатация булими бош мутахассис	Беруний тумани ХТБ
Член комиссии	ABDULLAEV FARXAT RUSTAMOVICH	Бош хсобчи	ХТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.07.2022 года № лота 119104.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 15

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	**Услуга по текущему ремонту нежилых зданий**
Подробное описание	Текущий ремонт Школы №36 в Берунийском района
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	735 000 000.00
Стартовая сумма	735 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб

Тип: Текстовое значение

Описание: Оферент томонидан имзоланган муҳирланган кўринишда Маълумотнома асл нусхалари танлов эълон қилинган санадан кейинги сана бўлиши керак(Обязательное)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUKSOR МЧЖ	10	Маълумотнома илова килинади	9	Экспертная		
ООО SHERKHAN-B	10	Маълумотнома илова килинади	10	Экспертная		
ABU BAKR STROY ООО	10	fayl biriktrildi	4	Экспертная		
SUXROB ZOXID МЧЖ	10	25 бал	6	Экспертная		

Критерий №2 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги . Банкдан картатека 2 дан қарздорлиги бўлмаслиги керак. МИБ ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома. Хизмат кўрсатувчи банкдан ҳамда МИБ дан маълумотнома (танлов эълон қилинган кундан кейин олиниши шарт QR коди билан ёки имзоланган ва муҳирланган кўринишда)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUKSOR МЧЖ	10	Маълумотнома илова килинади	7	Экспертная		
ООО SHERKHAN-B	10	Маълумотнома илова килинади	10	Экспертная		
ABU BAKR STROY ООО	10	fayl biriktirildi	3	Экспертная		
SUXROB ZOXID МЧЖ	10	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги . Банкдан картатека 2 дан қарздорлиги бўлмаслиги керак. МИБ ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги.	7	Экспертная		

Критерий №3 ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ БЕШ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачилар билан тузилган шартномалар рўйхати санаси ва суммаси жадвал кўринишда буюртмачи ташкилотлар томонидан мухри билан тасдикланган ва имзоланган кўринишда илова килинади.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUKSOR МЧЖ	10	Маълумотнома илова килинади	9	Экспертная		
ООО SHERKHAN-B	10	Маълумотнома илова килинади	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ABU BAKR STROY ООО	10	fayl biriktirildi	5	Экспертная		
SUXROB ZOXID МЧЖ	10	ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ БЕШ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ	7	Экспертная		

Критерий №4 Оферант тўғрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Кархона устави, гувохномаси, ҚҚС гувохномаси(фаол бўлиши керак),бугунги санага асосий фаолият тури, my.gov,uz сайтидан QR код билан тасдиқланган устав жамғармаси ва таъсисчилари ҳамда кархона тўғрисида умумий маълумот.(стир, хизмат курсатувчи банк, х/р, рахбар ва бошқалар)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUKSOR МЧЖ	10	Маълумотнома илова килинади	9	Экспертная		
ООО SHERKHAN-B	10	Маълумотнома илова килинади	10	Экспертная		
ABU BAKR STROY ООО	10	fayl biriktirildi	5	Экспертная		
SUXROB ZOXID МЧЖ	10	25 балл	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ABU BAKR STROY ООО	735 000 000.00	650 000 000.00 UZS	650 000 000.00	00.00	650 000 000.00	15.07.2022 02:22:36	10.00
SUXROB ZOXID МЧЖ	735 000 000.00	725 000 000.00 UZS	725 000 000.00	00.00	725 000 000.00	15.07.2022 11:37:23	08.97
ООО SHERKHAN-B	735 000 000.00	734 000 000.00 UZS	734 000 000.00	00.00	734 000 000.00	14.07.2022 13:48:21	08.86
LUKSOR МЧЖ	735 000 000.00	734 500 000.00 UZS	734 500 000.00	00.00	734 500 000.00	14.07.2022 13:36:10	08.85

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ABU BAKR STROY ООО	38.25	10	48.25
SUXROB ZOXID МЧЖ	56.25	8.97	65.22

ООО SHERKHAN-B	90	8.86	98.86
LUKSOR МЧЖ	76.5	8.85	85.35

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 119104 от 15.07.2022 года на приобретение Беруний тумани ХТБ га карашли №36 мактаб биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО SHERKHAN-B
305826004

и резервный исполнитель: LUKSOR МЧЖ (306277330)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	RAMANOV ABDULLA ABDURAIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	SABIROV BERADAR DAVLETOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	XUDAYBERGENOV AZAD SABIROVICH	Согласен	
Член комиссии	MUXAMMADJANOVA GULANDOM IKRAMBAYEVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: CT4483364026

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma.

2. **Loyihaning nomi va mazmuni**: Beruniy tumani Xalq ta'limi bo'limi mudiri A.Xudaybergenov va Sherkhan MChJ raxbari Sh.Baltabayev bilan 734 000 000 so'mlik 36 maktabning binosini ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha shartnoma tuzish to'g'risida.

3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Beruniy tumani Xalq ta'limi bo'limi bo'limi tomonidan 2022 yil 18 iyul.

MB35768038

4. **Xulosa:** Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqorolik Kodeksi va O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-son qonuni hamda amaldagi qonun hujjatlari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Beruniy tumani yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsult: **Sh.Qadirov**

2022 yil «20» iyul

Юрист исм фамилияси: QADIROV SHERZOD ALISHER O'G'LI

1356526

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SHERKHAN-B" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SHERKHAN-B" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

29.10.2018 646035 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 305826004

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Qoraqalpog`iston Respublikasi, Beruniy tumani, Beruniy, FIZULIY KUCHA 48 UY,

Guvohnoma: Qoraqalpog`iston Respublikasi, Beruniy tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):